

«Asaka yog'» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2016 йил 26 июндаги
умумий йиғилиши қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**« Asaka yog'» aksiyadorlik jamiyatining
“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги
НИЗОМИ
(янги тахрирда)**

2016 йил

I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда- Қонун), бошқа Қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган ва «Asaka yog'» aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда-Кузатув кенгаши)нинг мақоми, ваколат доираси ва фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи меъёрлардан таркиб топган.

2. Кузатув кенгаши «Asaka yog'» aksiyadorlik jamiyati» (кейинги ўринларда - Акциядорлик жамияти) фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва акциядорлик жамияти Устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши Акциядорлик жамиятининг бошқарув органи ҳисобланади. Кузатув кенгаши Акциядорлик жамиятини бошқариш масалалари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

5. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- акциядорлик жамияти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунга мувофиқ тегишли ҳуқуққа эга шахслар томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳоллари бундан мустасно;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун акциядорлик жамияти акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлик жамияти акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - акциядорлик жамияти Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилиши учун киритиш;
 - жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
 - мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - жамиятнинг ижроия органларини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - жамият директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш (чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга ошириш);
 - ижроия орган (Бошқарув)га тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
 - акциядорлик жамиятининг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда акциядорлик жамиятининг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси акциядорлик жамияти кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;
 - ички аудит ҳизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
 - акциядорлик жамияти Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
 - аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
 - дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - акциядорлик жамиятининг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - акциядорлик жамиятининг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - акциядорлик жамиятининг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
 - баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада акциядорлик жамияти соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳоллар бундан мустасно;
 - аффилланган шахслар иштирокида тузилаётган битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси тузилаётган битим бўйича аффилланган шахс бўлиши ҳоллари бундан мустасно;
 - акциядорлик жамиятининг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
 - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - акциядорлик жамияти томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - акциядорлик жамиятининг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
 - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш.
 - хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиб ва қоидаларини ҳаракатдаги қонунчиликлар асосида белгилаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган доирада жамият уставида белгиланган миқдордан ошмаган ҳолда, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда хомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш.
 - жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш.
 - акциядорлик жамияти таркибига кирувчи акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари йиғилишларида жамият номидан қатнашувчи шахсни ва йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини белгилаш, шунингдек, жамият номидан йиғилишда қатнашиш ва кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибларини тасдиқлаш.
 - жамиятда кузатув кенгашига бўйсинувчи, корпоратив қонунчиликларнинг ижросини назорат қилувчи корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этиш.
6. Кузатув кенгашининг ваколатига Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.
7. Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботини акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўн кундан кечиктирмай дастлабки тарзда тасдиқлаши лозим.
8. Кузатув кенгаши акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар акциядорлик жамияти Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли акциядорлик жамиятига зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.
9. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун акциядорлик жамияти Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ва ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ

10. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва акциядорлик жамияти Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

11. Кузатув кенгашининг сон таркиби акциядорлик жамияти Устави билан белгиланади ва 5 (беш) нафардан таркиб топади.

Кузатув кенгаши таркибида биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилади. Бунда мустақил аъзо номзоди акциядорларнинг розилиги билан амалга оширилади. Мустақил аъзо номзоди илгари сурилмаган тақдирда Жамият Кодекснинг ушбу тавсиясига амал қилмаганлиги сабаблари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига қўйиладиган талаблар:

сўнгги беш йил мобайнида Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарида ишламаган шахслар;

Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;

Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик мижозлари ёки мол етказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнгги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахсининг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

Жамиятнинг назорат қилувчи шахс (ёки Жамият устидан жамоа тарзида назорат олиб боровчи гуруҳ ва/ёки ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва Жамиятнинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (Жамият) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

12. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13. Акциядорлик жамияти Бошқаруви аъзолари акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

14. Айти шу акциядорлик жамиятида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

15. Кузатув кенгаши таркибига қоидага биноан акциядорлик жамияти акциядорлари (акциядорлар - жисмоний шахслар ва акциядорлар - юридик шахсларнинг ваколатли мансабдор шахслари) сайланади.

15.1. Кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахс, истаган вақтда кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин. Бунинг учун кузатув кенгаши аъзоси, кузатув кенгаши раисига вазифадан озод этилиши ҳолатини кўрсатган тарзда ариза билан мурожаат этади. Кузатув кенгаши раиси мазкур масалани кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши муҳокамасига киритади ва кенгаш тегишли қарор қабул қилади. Кузатув кенгаши аъзосининг бўшаган ўрнига ўрнатилган тартибда таклиф этилган янги номзод, кенгаш томонидан кўриб чиқилиб, акциядорларнинг умумий йиғилишига киритади.

Шунингдек, жамият кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажаришдан қуйидаги ҳолатларда озод этилади:

- ёзма ариза берган тақдирда;

- ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;

- ўзининг мажбуриятларига риоя қилмаганда;

- белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;

- унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- вафот этган тақдирда;
- соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра вазифасини бажаришга қодир бўлмаётган тақдирда.

16. Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши таркибига Қонунда назарда тутилган тартибда акциядорлик жамияти акциядорлари ҳисобланмайдиган шахслар ҳам сайланиши мумкин. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда:

- корпоратив бошқарув, менежмент, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамда маркетинг масалалари, фармацевтика, медицина бўйича билим ва кўникмалардан бирига эга бўлган;
- етарли даражада иқтисодий билимлар ва раҳбарлик қилиш амалиётига эга;
- акциядорлик жамияти фаолияти йўналиши бўйича иш тажрибаси эга;
- корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан берилган Корпоратив бошқарувчи малака аттестати ёки сертификатга эга;
- корпоратив бошқарув ҳамда қимматли қоғозлар бозори соҳасида кўшимча маълумотга эга шахсларга устунлик берилади.

17. Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

18. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга, ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

19. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

20. Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

21. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

22. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

23. Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

24. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

24.1. Кузатув кенгаши раиси, ўз ташаббусига кўра, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси аъзоси, акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳамда жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларининг талабига асосан, кузатув кенгаши мажлисини чақиради.

Кузатув кенгаши раиси юқорида қайд этилган шахслар томонидан берилган талабларни кўриб чиқади, кенгашнинг йиғилиш ўтказиладиган жойи, куни, вақти, кун тартибини, йиғилишни ўтказиш (аъзоларнинг шахсан қатнашиши, сиртдан, видео конференция орқали ва бошқа) усулини белгилайди. Кузатув кенга аъзоларига йиғилиш кун тартибига қўйилаётган масала бўйича мавжуд ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек, йиғилишни ўтказилиши билан юқорида қайд этилган маълумотларни етказиши (корпоратив котиб жорий этилган бўлса, котиб томонидан етказилади).

25. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

26. Акциядорлик жамияти номидан Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси, шунингдек Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномалари акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг раиси, ёки Кузатув кенгаши қарори билан ваколат берилган шахс томонидан

имзоланади.

27. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

28. Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби акциядорлик жамияти уставида ва ушбу низомда белгилаб қўйилади.

29. Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси аъзоси, акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ва аъзоларининг талабига кўра чақирилади.

30. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга

31. Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг мажлислари очик тартибда ўтказилади.

32. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мажлислари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан), видео конференция алоқаси орқали ўтказилиши мумкин. Бунда Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг қарорлари барча аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Шунингдек, жамиятда техник воситалар, кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлган тақдирда, кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

33. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

34. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил этади.

35. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоларининг сони акциядорлик жамияти Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек акциядорлик жамияти Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

36. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Қонунда, акциядорлик жамияти Уставида ва ушбу Низомда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

37. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар мажлисда иштирок этаётган акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- акциядорлик жамиятининг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва Акциядорлик жамияти Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- акциядорлик жамиятининг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- акциядорлик жамиятининг йирик битим тузиши тўғрисидаги қарор;
- аффилиланган шахс билан битим тузишни маъқуллаш тўғрисидаги қарор;
- акциядорлик жамияти томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қарор қабул қилинган ҳолларда.

37. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

38. Акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши

раиси акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эгадир.

39. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади.

40. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

41. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

42. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Акциядорлик жамияти Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот акциядорлик жамияти Бошқарувига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

43. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада акциядорлик жамияти соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

44. Йирик битим тузиш масаласи бўйича акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

45. Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши акциядорлик жамияти бошқарувидан аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомаси келиб тушган тақдирда аффилланган шахснинг ёзма билдириши акциядорлик жамиятига келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилиши зарур. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарор мажлисда иштирок этаётган акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, кузатув кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган аффилланган шахс ҳисобланган кузатув кенгаши аъзолари бундан мустасно.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

46. Кузатув кенгашининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгашининг мажлисларида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган масала бўйича регламентга кўра ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- акциядорлик жамияти Бошқарувининг фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш;
- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиришни талаб қилиш;
- акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни талаб қилиш;
- кузатув кенгаши томонидан дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан, шунингдек акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсиялар тайёрлашда таклифлар киритиш;

- акциядорлик жамияти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш, акциядорлик жамияти Уставига ўзгартириш ва (ёки) кўшимчалар киритиш, акциядорлик жамиятининг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;
- кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажарган даври учун ҳақ олиш;
- бошқа ҳуқуқлар.

47. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва ҳалол бажариш;
- ҳар чоракда акциядорлик жамияти Бошқарувининг акциядорлик жамиятининг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш;
- ҳар чоракда ички аудит хизматининг (агар у мавжуд бўлса) ҳисоботини эшитиш;
- ҳар чоракда акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги ҳулосасини кўриб чиқиш;
- бошқа мажбуриятлар.

48. Кузатув кенгаши аъзоси аффилиланган шахс ҳисобланган тақдирда, у акциядорлик жамияти билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши қутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда, ёзма билдириш юбориш орқали акциядорлик жамиятини хабардор этиши шарт.

49. Акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахси ҳисобланадиган Кузатув кенгашининг аъзоси акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга.

50. Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши қонунда белгиланган тартибда аффилиланган шахс билан келгусида акциядорлик жамияти томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

51. Кузатув кенгаши аъзолари шахсий манфаатлари учун кузатув кенгашининг у ёки бу қарорларни қабул қилишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

52. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамиятининг имкониятлари (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

53. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мансаб вазифаларини ҳалол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари учун улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириши шарт.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ВА ЙИЛЛИК МУКОФОТ ТўЛАШ ТАРТИБИ

54. Кузатув кенгаши аъзолари ва котиби кузатув кенгаши аъзолари ва котибининг вазифаларини бажариб турган давр учун ҳар ойда катъий белгиланган миқдорда ҳақ (рағбатлантириш) ҳамда акциядорлик жамиятининг молиявий-хўжалик йили самарали яқунлангани учун йиллик мукофот пули олиш ҳуқуқига эга.

Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига ҳақ тўлаш, жамиятнинг молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижаларига асосан "Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясини моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдорини белгилашда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олинади:

-йил яқунлари бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари;

-акциядорлар моддий манфаатларига тўлиқ риоя қилиниши, дивиденд тўловларининг ўз вақтида тўлаб борилиши, акциядорларнинг манфаатини кўзлаб амалга оширилган ишлар, жамиятнинг соф фойдасининг бизнес режага асосан бажарилиши ва ортиқча бажарилишини таъминлаганлиги;

-жамият бизнес-режа доирасида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъмин этганлиги ҳамда сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатларини иқтисод қилишга эришилганлиги;

-жамият инвестициявий жозибаторлигини ошириш ва капиталлашув даражасини ўстириш бўйича ишларининг самарадорлиги;

-жамиятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишчи-хизматчилар сонини оптималлаштириш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, кўшимча иш ўринларини яратиш ва корхона ишчи-хизматчиларига кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар.

55. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳар чораклик ҳақ (рағбатлантириш)нинг миқдори акциядорлик жамияти йиллик бизнес-режасининг смета-харажат қисмида назарда тутилади ҳамда Кузатув кенгаши йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳар чораклик ҳақ (рағбатлантириш) миқдори улар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

- Кузатув кенгаши раисига - ҳар чоракда, жамият иш-хизматчиларининг уртача ойлик иш хакининг 5 баравари миқдорида;

- Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига - ҳар чоракда, жамият иш-хизматчиларининг уртача ойлик иш хакининг 4 баравари миқдорида;

56. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳар чораклик ҳақ (рағбатлантириш)нинг миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида мазкур "Низом"га ўзгартириш киритиш орқали ўзгартирилиши мумкин.

57. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳар чораклик ҳақ (рағбатлантириш) мазкур "Низом" акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида тасдиқланганидан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб тўланади.

VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

60. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда акциядорлик жамияти манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

61. Кузатув кенгаши аъзолари қонун ҳужжатларига ва акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ акциядорлик жамияти олдида жавобгар бўлади. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг акциядорлик жамияти олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади. Бунда акциядорлик жамиятига зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди (бундан аффилланган шахс билан тузилган битим натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳоллар мустасно).

62. Акциядорлик жамияти, ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорлик жамиятига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

63. Акциядорлик жамиятига зарар етказган кузатув кенгаши аъзоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уни қоплайди.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

64. Ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

65. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва акциядорлик жамияти Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

66. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.